



YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/5



MUNDARIJA

12.00.01 – DAVLAT VA HUQUQ
NAZARIYASI VA TARIXI.
HUQUQIY TA'LIMOTLAR TARIXI

- 6 **ОДИЛҚОРИЕВ ХОЖИМУРОД
ТЎХТАМУРОВОВИЧ**
Қонунчилик ҳужжатлари тизимини
такомиллаштиришнинг замонавий ҳуқуқий
асослари
- 14 **МУХИТДИНОВА ФИРЮЗА
АБДУРАШИДОВНА**
Роль преемственности трудов Гафура Гуляма
в развитии духовно-просветительских традиций
будущих юристов
- 21 **ISMOILOV BEKJON SALIHOVICH**
Nogironligi bo'lgan shaxslar ta'limi sohasida
O'zbekiston qonunchiligini takomillashtirish
muammolari
- 31 **ШАЯКУБОВ БАБУР АХМАДЖАНОВИЧ**
Стратегическое планирование:
теоретические и методологические аспекты

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY HUQUQ.
MA'MURIY HUQUQ.
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- 39 **БЕКОВ ИХТИЁР РУСТАМОВИЧ**
Ўзбекистонда кўппартиявий тизимнинг
шаклланиши ва ривожланиши
- 50 **RAKHIMOV DILMURODJON
GULOMJON OGLI**
Some issues of the legal status of civil
servants in Uzbekistan

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.
TADBIRKORLIK HUQUQI. OILA
HUQUQI. XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- 59 **БОЗАРОВ САРДОР СОХИБЖОНОВИЧ**
Искусственный интеллект: возможна ли
ответственность роботов?

12.00.04 – FUQAROLIK PROTSESSUAL
HUQUQI. XO'JALIK PROTSESSUAL
HUQUQI. HAKAMLIK JARAYONI VA
MEDIATSIYA

- 70 **ХАБИБУЛЛАЕВ ДАВЛАТЖОН
ЮЛЧИБОВЕВИЧ**
Фуқаролик ишлари бўйича биринчи
инстанция суди ҳужжатларини
такомиллаштириш масалалари
- 81 **ХАКБЕРДИЕВ АБДУМУРАД
АБДУСАИДОВИЧ**
Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини якуний
босқич сифатида ихтиёрий ижро этиш
- 88 **PIRMATOV OTABEK SHAVKATOVICH**
Fuqarolik sud ishlarini raqamlashtirishda sun'iy
intellektning o'rni
- 95 **XUDOYNAZAROV DADAXON
AVAZ O'G'LI**
Iqtisodiy sud ishlarini yuritishda prokuror
ishtirokining ayrim masalalari
- 101 **DAVRONOV DONIYORBЕК
ABDULLO O'G'LI**
Fuqarolik sud ishlarini yuritishda protsessual
majburlov choralarini tadqiq etish muammolari
- 110 **ХАЙРУЛИНА АСАЛЬ БАХОДИРОВНА**
Возникновение и развитие альтернативных
способов разрешения споров: национальный
и зарубежный опыт
- 117 **BEBUTOVA ZARNIGOR FAXRIDDINOVNA**
Fuqarolik protsessida advokat faoliyatining
dolzarb muammolari: milliy va xorijiy tajriba
- 125 **СУБХОНОВ ШЕРАЛИ МУХАММАД УГЛИ**
Некоторые вопросы совершенствования
механизма исполнения судебных решений
о взыскании алиментов

12.00.05 – MEHNAT HUQUQI.
IJTIMOIY TA'MINOT HUQUQI

- 133 **ГАЗИЕВ ШАХРУХ МУРОДАЛИЕВИЧ**
Ҳарбий ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя:
тушунчаси ва моҳияти
- 140 **ТОШОВ МУХАММАД РАЖАБОВИЧ**
Ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа
ходимнинг ишга қабул қилиниши, шунингдек,
ўриндошлик иши чекланганлиги сабабли
меҳнат шартномасини бекор қилиш масалалари

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.
HUQUQBUZARLIKLARNING OLDINI
OLISH. KRIMINOLOGIYA.
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

148 **SUNNATOV VOHID TOSHMURODOVICH**

Qilmishni kvalifikatsiya qilish tushunchasi,
metodologik asoslari va bosqichlari

156 **ТОШПЎЛАТОВ АКРОМ ИКРОМОВИЧ**

Жиноят-хуқуқий принциплар: моҳият,
тушунча ва белгилар

166 **ALOYEV ULUG'BEK MAXMUDOVICH
ROZIMOVA QUNDUZ YULDASHEVNA**

Korrupsiyani keltirib chiqarishga ta'sir etuvchi
omillar

174 **АНОРБОВ МУРОДЖОН
РАХМАНКУЛ УГЛИ**

Общая характеристика преступлений
против правосудия

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

182 **USMANOVA SURAYYO BULTAKOVNA**

The legal and institutional regulation of tourism
in the Republic of Uzbekistan: emergence and
development

13.00.02 – TA'LIM VA TARBIYA
NAZARIYASI VA METODIKASI
(SOHALAR BO'YICHA)

190 **АЗИМОВ ҲАКИМАЛИ ИМОМОВИЧ**

Амир Темурнинг тарихий мероси – инсоният
тараққиётининг муҳим омили

UDC: 347.998.72(042)(575.1)
ORCID: 0000-0001-8959-6944

ҲАКАМЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИ ЯКУНИЙ БОСҚИЧ СИФАТИДА ИХТИЁРИЙ ИЖРО ЭТИШ

Ҳақбердиев Абдумурод Абдусаидович,
Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),
e-mail: m.hakberdiev@mail.ru

Аннотация. Мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга ошириладиган ислоҳотлар, аввало, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган. Бу давлатга бош ислоҳотчининг ролини бериш, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, босқичма-босқич ва аста-секинлик билан давом этаётган ислоҳотлардир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда ваколатли судлардан ташқари ҳакамлик судлари томонидан ҳам фуқаролик ва иқтисодий низолар бўйича бир қатор ишлар кўриб чиқилишида турли муаммолар учраб турибди. Мазкур мақолада ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини якуний босқич сифатида ихтиёрий ижро этиш масаласи кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: ҳакамлик суди, ҳакамлик муҳокамаси, ваколатли суд, ҳал қилув қарори, ижро варақаси, қонун, кодекс.

ДОБРОВОЛЬНОЕ ИСПОЛНЕНИЕ РЕШЕНИЯ АРБИТРАЖНОГО СУДА КАК ЗАКЛЮЧИТЕЛЬНЫЙ ЭТАП

Хакбердиев Абдумурод Абдусаидович,
доктор философии по юридическим наукам (PhD),
старший преподаватель
Ташкентского государственного юридического университета

Аннотация. В условиях модернизации и реформирования нашей страны осуществляемые реформы в правоохранительной и судебной-правовой сферах направлены, прежде всего, на всестороннюю защиту прав, свобод и законных интересов человека. Предоставление государству роли главного реформатора, обеспечение верховенства закона, проведение сильной социальной политики представляют собой поэтапно и постепенно осуществляемые реформы. При этом следует отметить, что в настоящее время, помимо компетентных судов, третейские суды сталкиваются с различными проблемами при рассмотрении ряда дел по гражданским и экономическим спорам. В данной статье рассматривается вопрос о добровольном исполнении решения третейского суда как заключительная стадия разбирательства.

Ключевые слова: третейский суд, третейское разбирательство, компетентный суд, постановление, исполнительный лист, закон, кодекс.

VOLUNTARY EXECUTION OF THE DECISION OF THE ARBITRATION COURT AS THE FINAL STAGE

Khakberdiev Abdumurad Abusaidovich,
PhD, senior lecturer of Tashkent State University of Law

Abstract. In the conditions of modernization and reform of our country, the ongoing reforms in the law enforcement and judicial-legal spheres are aimed primarily at the comprehensive protection of human rights, freedoms and legitimate interests. Providing the State with the role of the main reformer, ensuring the rule of law, and conducting a strong social policy represent reforms that are being implemented gradually and gradually. At the same

time, it should be noted that at present, in addition to competent courts, arbitration courts face various problems when considering a number of cases on civil and economic disputes. This article considers the issue of voluntary execution of the arbitration court's decision as the final stage.

Keywords: arbitration court, arbitration proceedings, competent court, ruling, writ of execution, law, code.

Фуқаролик ва иқтисодий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳакамлик судлари томонидан ҳам ҳал этилаётгани мамлакатимизда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳам бу йўлда қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

“Ҳакамлик судлари ҳақида”ги Қонун 2007 йил 1 январдан кучга кирган [1] ва шу санадан эътиборан давлат (иқтисодий, фуқаролик) суди билан бир қаторда суд-ҳуқуқий ислохотнинг янги муҳим босқичи бошланди. Яъни “Чет эл арбитраж қарорини тан олиш ва уни ижро этиш ҳақидаги” 1958 йил Нью-Йорк конвенциясига имзо чеккан дунёнинг 120 та давлатлари қаторида 1995 йилда ушбу конвенцияга қўшилган республикамиз томонидан тан олинган судловнинг янги, ўзгача нодавлат тури фаолият кўрсатишни бошлади.

Шу билан бирга, Қонуннинг муҳокамаси ҳамда қабул қилиниши яна бир бор ҳакамлик суди ва ҳакамлик судида ишни кўриш табиатига нисбатан ҳаттоки профессионал юристлар орасида ҳам қарашларнинг бирдамлиги йўқлигини кўрсатди. Ҳанузгача у одил судлов шакли эмас, балки “мулкӣ баҳсларни судгача ҳал этишнинг бир тури” ёки “юридик хизмат” ёхуд “альтернатив” (судга нисбатан) суд ишини кўриш турини акс эттиради, деган таъкидлашларни учратиш мумкин [2].

Шу муносабат билан фуқаролик ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 10-моддаси 1-қисмига асосан, бузилган ёки низолашилаётган фуқаролик ҳуқуқлари ҳимоясини суд, иқтисодий суд ёки ҳакамлик суди амалга оширади. “Ҳакамлик судлари тўғрисидаги” Қонуннинг 50-моддасига асо-

сан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этмаслик давлат суди томонидан берилган ижро варақаси асосида мажбурий бажарилишга тегишли. Ниҳоят, мазкур Қонуннинг 32-моддаси қоидаларига асосан, ҳакамлик суди низо предметига нисбатан таъминлов чораларини қўллаш ҳақида фармойиш бериш ҳуқуқига эга, ваколатли давлат суди эса ҳакамлик судида кўрилаётган даъво ижросини таъминлаш бўйича мажбурий чораларни қабул қилиши мумкин.

Қонуннинг бу қоидалари ҳакамлик судлов юрисдикцион табиатига шубҳа қолдирмайди, чунки қонун ва низоларни ихтиёрий тарзда давлат судини рад этган ҳолда ва ўзининг мулкӣ низосини ҳал этиш учун тегишли ҳакамлик судига мурожаат этган қатнашчиларининг хоҳиши имконияти миқёсида ҳакамлик суди ҳақиқатда ҳам одил судловни амалга оширишига гумон қолдирмайди. Ҳакамлик келишуви томонлари учун ҳакамлик судида ишни кўриш мажбурияти ҳеч қанча уларга одил судловни рад этиш ёки уларнинг ўз мулкӣ манфаатларини суд орқали ҳимоя этишга бўлган конституцион ҳуқуқидан возкечишини англатмайди [3].

Шу билан бир қаторда, ҳакамлик суди шаклидаги суд ҳимояси ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳакамлик судлари давлат органлари ҳисобланмаслиги билан бир қаторда, давлат одил судлов тизимига ҳам кирмайди. Умуман, том маънода ташкилот ҳам эмас ва ҳеч қандай тизимни ҳам ташкил этмайди, айниқса, иерархияга асосланмаган (марказлаштирилган) ҳам [4]. Шунинг учун ҳакамлик судлари давлат рўйхатидан ўтиши ва умуман, тўғридан-тўғри давлат назоратида бўлиши мумкин эмас, агар уларнинг қарори юзасидан низолашиш ҳақида сўз юритилмаётган бўлса.

Г.В. Севастьянованинг таъкидлашича, ҳакамлик суди ҳуқуқни муҳофаза қилиш (инсон ҳуқуқлари) фаолиятини амалга оширади [5], бу фаолиятнинг муҳим хусусиятларидан бири, яъни унинг босқичларини (апелляция ва кассация тартибида) қайд этиб бўлмайди. Шу би-

лан бирга, биз ишонамизки, бундай хусусиятнинг намоён бўлиши ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини қабул қилиш билан чегараланиб қолмайди. Ушбу ҳолатда илмий жамиятда ишлаб чиқилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (инсон ҳуқуқлари) фаолиятининг мақсади концепциясига тўлиқ мос келмайди.

Фуқаролик ва иқтисодий ишларни юришнинг мақсади аниқ белгиланган (Фуқаролик процессуал кодекси 2-моддаси, Иқтисодий процессуал кодекси 2-моддаси), лекин бу ҳакамлик судининг мақсади (моҳияти ва мазмуни) ҳақидаги тушунчаларни англатмайди. Аксинча, “Ҳакамлик судлари тўғрисидаги” қонуннинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасида ҳакамлик судларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги кўрсатиб ўтилган [6]. “Ҳакамлик судлари тўғрисидаги” Қонуннинг 49-моддасида Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори мазкур ҳал қилув қарорда белгиланган тартиб ва муддатларда ихтиёрий ижро этилади. Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ижро этиш муддати белгиланмаган бўлса, у дарҳол ижро этилиши кераклиги кўрсатилган [7]. Д.Ю. Малешин таъкидлаб ўтганидек, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ижро этилишини таъминламасдан туриб, бузилган ҳуқуқларни ҳақиқий ҳимоя қилиш имкони мавжуд эмас [8].

Ўзбекистон Республикасининг ҳакамлик судлари тўғрисидаги амалдаги қонунчилигида (ҳакамлик муҳокамаси) ҳакамлик судининг мақсади матний белгиланмаган. Шунга қарамай, фуқаролик ва иқтисодий жараёнларнинг мақсади ҳакамлик муҳокамасининг мақсадлари билан тенглиги аниқ кўринадиган ва бузилган ёки низоли ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилишдан иборат. Шунинг хулоса қилиш мумкинки, “қонунни ҳимоя қилиш” ва “суд қарорини ижро этиш” атамалари ўзаро боғлиқдир. Шу билан бирга, уларнинг фуқаролик ва иқтисодий жараёнлар ҳамда ҳакамлик муҳокамасида, жумладан, суд қарорининг ижросини муайян жараённинг бир босқичи сифатида талқин қилиш призмаси орқали боғлиқлиги ноаниқдир.

Шундай қилиб, М.К. Треушников фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанида фуқаролик процессининг якуний босқичини суд қарорлари-

ни ижро этиш босқичи деб ҳисоблайди [9]. Суд қарори ижро этилмасдан туриб, жараённинг мақсади, яъни бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиб бўлмайди. Фуқаролик процессуал қонунчилигининг бўлажак ислоҳоти фонида қонун ижодкорлари фуқаролик жараёни доктринасида шаклланган анъаналарга содиқ қолади. Кодификациянинг асосий йўналиши – бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш жараёни суд жараёнининг бир босқичи бўлиб, адолатнинг якуний қисми ҳисобланади ҳамда унда бузилган ҳуқуқ ва манфаатларнинг ҳақиқий тикланиши мавжуд бўлган ёндашувни сақлаб қолади. Ушбу ёндашув, концепция муаллифлари фикрига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг суд амалиётига мос келади. Бироқ, агар фуқаролик процесси ижро этиш жараёни ўртасидаги муносабатлар масаласи бўйича илмий жамоатчилик ва қонун ижодкорлари вакиллари орасида “умумий моҳияти” топилган бўлса, унда ҳакамлик муҳокамасида унинг босқичи билан алоқаси борасида ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ихтиёрий равишда бажарилиши, ҳамма нарса биринчи қарашда кўринадиган даражада аниқ ва содда кўринишга эга эмас [10]. Шу муносабат билан биз ушбу саволни шакллантириш жуда ўринли ва ўз вақтида эканлигига ишонамиз.

Амалдаги қонунчиликда, ҳакамлик судлари амалиётида ва юридик адабиётларда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ижро этилишининг ихтиёрийлиги, ўз навбатида, мажбурияти ёки бошқа босқичлари бошланшининг зарурий шарт ҳисобланади. Шу сабабли ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори мажбурий ижро этиш босқичи ёки ҳакамлик принципи сифатида кўрсатилиши лозим. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ихтиёрий равишда ҳакамлик муҳокамаси босқичи сифатида бажариш мажбурий ижро босқичининг соясида қолиб, фуқаролик ҳуқуқи жараёнининг кам муҳокама қилинган ва деярли ўрганилмаган мавзулари тоифасига киради. Бунга мисол тариқасида 2012 йил 16 июндаги Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг 238-сонли қарори 18-бандида “Судларга тушунтирилсинки, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори мазкур қарорда белги-

ланган тартиб ва муддатларда ихтиёрий ижро этилади. Агар қарорда ижро этиш муддати белгиланмаган бўлса, у дарҳол ижро этилиши керак” [11], деб қайд этиб ўтилган.

Қандай бўлмасин, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ихтиёрий равишда бажарилиши белгиси Тошкент шаҳар доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди регламентида “Ҳакамлик муҳокамасининг исталган босқичида, шунингдек, ҳакамлик судининг қарорини ихтиёрий ижро этиш босқичида тарафлар томонидан келишув битими тузилиши мумкин” деб кўрсатилган. Шу билан бирга, ҳакамлик судларининг маҳаллий ҳужжатларида фақат битта турдаги низолар “ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ихтиёрий равишда ижро этиш ҳакамлик судининг якуний босқичи (ҳакамлик муҳокамаси)” деган матннинг ўта асосли эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилиш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Бу жиҳат ҳакамлик жараёнида (ҳакамлик муҳокамаси) бузилган ҳуқуқларни ҳуқуқий, самарали ҳимоя қилиш ва ҳакамлик ҳал қилув қарорининг ихтиёрий равишда бажарилиши ўртасидаги сабабий боғлиқликни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ихтиёрий равишда ижро этиш ҳакамлик (ҳакамлик муҳокамаси)нинг асосий бошланиши бўлиб, аслида, унинг асосий тамойилларидан бири бўлиб хизмат қилади. “Ҳакамлик судлари тўғрисидаги” Қонуннинг 2-бобида “ҳакамлик муҳокамаси” хусусида тушунчалар берилган [12] Бироқ ушбу бобда ҳакамлик тамойилларига бағишланган қарорнинг ихтиёрийлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шунингдек, “ҳакамлик” тушунчаси низоларни ҳал қилиш жараёни билан бирга, ҳакамлик суди томонидан фақат ҳал қилув қарор қабул қилиш жараёнини ўз ичига олади. Ушбу қондан қўллаш амалиёти шуни кўрсатадики, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини қабул қилиш уни ихтиёрий равишда ижро этиш дегани эмас. Бошқача қилиб айтганда, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ихтиёрий ижро этилиш босқичи ҳакамлик жараёнидан тушиб кетади ва мазкур ҳал қилув қарор ижроси доирасида ваколатли суднинг назоратидан четда қолади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ижро этишнинг ихтиёрийлиги ҳакамлик муҳокамаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг

ҳуқуқий моҳиятини белгилайди ва ҳакамлик муҳокамаси тарафларнинг ҳар бир процессуал ҳаракати орқали “семантик ип” билан ўтади [13].

Шу билан бирга, “Ҳакамлик судлари тўғрисидаги” қонуннинг 18-моддаси иккинчи хатбошисида ҳакамлик судьясининг ваколатлари муайян низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин тугатилишига асослардан бири сифатида таъминланган [14]. Бизнинг фикримизча, бу белгиланган мақсадга мос келмайди. Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳакамлик суди ҳал қилув қарори ҳақиқатда бажарилган вақтда содир бўлган деб ҳисобланганлиги сабабли ўз мақсадига эришиш пайтида ҳакамлик суди (ҳакамлик муҳокамаси)ни тугатилган деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир, яъни ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман ижро этиш вақти ҳисобланади. Ҳакамлик судини тугатишнинг яна бир варианты сифатида, агар уни давом эттиришга зарурат бўлмаса, тугатиш мумкин деса бўлади.

Айни вақтда ўз шартлари ва тартибига эга бўлган ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш жараёни ҳакамлик суди ёки ваколатли суд томонидан назорат қилинмайди. Ҳозирги вақтда мазкур ихтиёрий ижро этиш ҳаракатлари ҳакамлик тарафларининг ўз ихтиёрларида қолмоқда. Бу, бир томондан, ташқи омил билан чегараланмаслиги керак бўлган томонларнинг “ихтиёрий иродаси”ни амалга ошириш жараёнига жуда мос келади. Бир қарашда, мажбурий томоннинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини ихтиёрий равишда бажариши билан ҳакамлик суди тўхтатилиши имконсиз шарт бўлиб кўринади, бу эса худди бир “утопия”ни эслатади. Ушбу ҳолат ҳакамлик доирасида бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш кафолатларининг йўқлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча норматив-ҳуқуқий нормаларга кўра, инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини фақат давлат ва суд томонидан ҳимоя қилиш кафолатланади [15]. Ушбу қисмда А.В. Беляковнинг нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ихтиёрийлиги ва кафолатларининг йўқлиги ҳакамлик суди (ҳакамлик муҳокамаси)ни

низоларни муқобил ҳал қилишнинг машҳур бўлмаган тури сифатида эътироф этиш учун сабаб бўлади [16]. Ҳеч шубҳасиз, ҳакамлик суди (ҳакамлик муҳокамаси)нинг давлат ҳимоясига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бундан кўрииб турибдики, ваколатли судларнинг қарори ва ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини таққослаш нуқтаи назаридан, ҳакамлик судининг квазисудиялик хусусияти тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Натижада суд эмас, балки ярим суд (юрисдикция) акти қабул қилинган бўлади.

Фуқаролик ижроия ҳуқуқи тамойилларини тадқиқ қилиш жараёнида К.А. Малюшина виждонлиликнинг умумий ҳуқуқий тамойили тартибини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига даъвогар ва жавобгар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмига, шу жумладан, ижро этишнинг интеграция қилиш зарурлигини асослайди [17]. Ўз навбатида, К.А. Малюшина фикрларига шуни қўшимча қилиб айтмоқчимизки, замонавий фуқаролик айланмаси ва тадбиркорлик муносабатларининг фаол ривожланиши нафақат одил судловни амалга ошириш, балки ҳакамлик судида ҳам (ҳакамлик муҳокамаси), биринчи навбатда, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ихтиёрий равишда ижро этиш босқичидир. Бироқ жавобгарнинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини ихтиёрий равишда бажармаслиги ҳар қандай ҳолатда ҳам виждонлилик тамойилларининг бузилишига олиб келмайди. Даъвогарнинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини ижро этиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқишда ваколатли суд ҳолатларини тушунтириш билан шуғулланмайди [18]. Қоида тариқасида, у қарздорга боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни даъвогар олдидаги қарзни тўлаш учун ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан тасдиқланган ёки тасдиқланмаганлигини аниқлайди. Жавобгарнинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини ихтиёрий равишда ижро этиш мақсадида кўрсатган эҳтиёткорлиги ва ғамхўрлиги даражасини аниқлаш ҳам ваколатли суднинг ваколатига кирмайди. Бу эса ижро варақаси бериш тартибини расмийлаштириш хавфини туғдиради ва ҳакамлик ҳал қилув қарорини ихтиёрий равишда ижро этиш имкониятларини тенглаштиради.

Ҳакамлик судлари томонларининг манфаатлари мувозанатини сақлаш ва ҳакамлик

мукофотининг жавобгарнинг ихтиёрий бажарилишини рағбатлантириш мақсадида табақалаштирилган ёндашувдан фойдаланишни энг мақбул вариант деб ҳисоблаймиз.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ихтиёрий равишда ижро этиш аризасининг мажбурий ижро учун ижро варақасини бериш ваколатли судига мурожаат қилиш заруратини тўлиқ бартараф қилади [19]. Шунинг учун у ижро варақасини беришни рад этиш учун асос сифатида тан олиниши керак.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини қисман ихтиёрий ижро этиш ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этилмаган қисмида мажбурий ижро этиш босқичига ўтиш учун асос бўлиб хизмат қилади [20]. Бундай ҳолда ваколатли суд ҳар бир томоннинг ҳал қилув қарорини ихтиёрий равишда ижро этиш босқичида кўрсатган виждонлилигини баҳолаши керак. Агар даъвогар ўз ҳуқуқини суиистеъмол қилиб, ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш учун белгиланган муддат ўтмасдан, ижро варақасини бериш учун ваколатли судга мурожаат қилган бўлса, ваколатли суд аризани кўриб чиқмасдан қолдиради. Тарафларга бундай мурожаат қилиш муддати тугамаган ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш муддатини қайта беради. Агар жавобгар ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш учун белгиланган муддатда ижро этишни бошламаган ёки ҳал қилув қарорини қисман ижро этган бўлса, суд даъвогарнинг аризасини кўриб чиқади ҳамда процессуал ва ҳуқуқий характердаги тўсиқлар бўлмаса, даъвогарнинг бутун ҳажми ёки бажарилмаган қисми учун мажбурий ижро этиш ҳақида ижро варақасини беради. Жавобгарнинг виждонийлик тамойилига риоя қилганлигига қараб, суд ижро варақасини бериш тўғрисида ажрим чиқаради, жавобгар ижро ҳақини бажарилаётган даъвогар ҳажмига муносиб равишда ёки тўлиқ тўлашдан озод қилинади. Агар жавобгар томонидан суиистеъмол қилинганлик факти аниқланса, суд ихтиёрига кўра, ижро йиғимининг миқдори кўпайтирилиши мумкин, лекин 2 барабардан ошмаслиги керак. Бизнинг фикримизча, мавжуд вазият низоларни муқобил ҳал қилиш доктринасида ва ҳакамлик судлари амалдаги қонунчилигида ҳакамликнинг бир босқичи сифатида ҳакамлик судининг ихтиёрий равишда

ижро этилишининг аниқ тушунчаси йўқлиги сабабли оғирлашмоқда.

Шундай қилиб, фақат қонуний кучга кирадиган ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори, агар бундай қарорнинг таркибий қисмлари (элементлари) мазмуни, биринчи навбатда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, тортишув ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатини талаб қилиши мумкин ҳамда ҳал қилув қарорининг ихтиёрий ижро этилишига ёрдам беради ва ваколатли суд вакили ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ихтиёрий равишда ижро этиш бўйича ҳакамлик тартибига риоя этилиши устидан назоратни таъминлайди. Акс ҳолда, биз ҳакамлик суди (ҳакамлик муҳокамаси) нинг ҳуқуқий моҳиятини бузиб кўрсатиш ва бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишдан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорининг ҳуқуқий аҳамиятини бузишдан қочиш қутула олмаймиз.

Юқоридаги далиллар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига бир қатор ўзгартиришлар киритиш заруриятини келтириб чиқаради. “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонунда ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тараф томонидан ваколатли судга берилиши кўрсатиб ўтилган.

Юқорида баён қилиб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда, ушбу таклиф ва тавсияларни илгари суриш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 357-моддаси “Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш асослари” 7-бандини янги таҳрирда қуйидаги матнда баён қилиш: “Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган ҳакамлик муҳокамаси иштирокчиси томонидан далиллар тақдим этилган бўлса, суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ижро этиш тўғрисидаги ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризада ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини ихтиёрий равишда ижро этиш бўйича ҳакамлик муҳокамаси томонларнинг келишувига ёки қонунга мос келмаса”. Шунингдек, мазкур модданинг 8-бандини янги таҳрирда қуйидаги матнда баён қилиш: “Ҳакамлик судининг таркиби, низони ҳал қилиш ёки ҳакамлик суди томонидан ҳал қилув қарорини қабул қи-

лиш бўйича ҳакамлик таркиби томонларнинг келишувига мос келмаса ёки қонунга зид бўлса”.

Бугунги кунда фуқаролик ва иқтисодий низоларнинг сони кун сайин ортиб бориши натижасида тарафлар ҳакамлик судларида кўриб чиқилган низолар бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорларини ваколатли судларга мурожаат билан қўшимча алоҳида давлат божи тўлаб ижрога қаратиш масаласи ҳакамлик судларига бўлган ишонсизлик ва сарсонгарчиликка олиб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу муносабат билан “Ҳакамлик судлари тўғрисидаги” қонуннинг тегишли моддаси ҳамда Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларига тегишли равишда “ҳакамлик судлари томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорларини ижрога қаратиш масаласини ҳудудлардаги ҳакамлик судлари раисларига топшириш” кераклиги хусусида қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш қўшимча таклиф ва тавсиялардан холи эмас.

Бундай ёндашувлар, бизнинг фикримизча, энг мақбул кўринадиган ва ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳуқуқий табиати ва моҳиятини замонавий фуқаролик жамияти учун бевосита амалий аҳамиятга эга бўлган янги назарий позициялардан кўриб чиқишга имкон беради.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади. Уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”, деб белгилаб қўйилган. Бундан кўриниб турибдики, ҳакамлик судларини ривожлантириш борасида қонунчилигимизга қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритишимиз керак. Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар фуқароларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва судга нисбатан ишонсизликни келтириб чиқариши мумкин. Шу боисдан мазкур ҳакамлик судлари фаолиятларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси ва Иқтисодий-процессуал кодексининг тегишли моддалари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. <https://lex.uz/docs/1072079>
2. https://nrm.uz/contentf?doc=428849_hakamlik_sudlari_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_qonunga_sharh&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana
3. Ibratova F. B. et al. Legal Issues of Observation-Bankruptcy Procedures Applicable by the Economic Court of Uzbekistan // J. Advanced Res. L. & Econ. 2019, T. 10, p. 187.
4. Abdusaidovich X. A. The Role of Instincts in Crime and the Basics of Combating IT // International Journal of Development and Public Policy. 2021, T. 1, p. 8–10.
5. Sevastyanov G.V. Pravovaya priroda treteyskogo razbiratelstva kak instituta alternativnogo razresheniya sporov (chastnogo protsessualnogo prava). Vûp. 7. Redaksiya jurnala "Treteyskiy sud": Statut, 2015, p. 85.
6. <https://lex.uz/docs/1072079#1072185>
7. <https://lex.uz/docs/1072079#1072185>
8. Maleshin D.Ya. Grajdanskaya protsessualnaya sistema Rossii. Moscow, 2011, p. 130.
9. Argunov V.V., Borisovaya A., Bocharova N.S. i dr. Grajdanskiy protsess: uchebnik / pod red. M.K. Treushnikova. 5-ye izd., pererab. i dop. Moscow, 2014.
10. Sevastyanov G.V., Sûplenkova A.V. Tendensii razvitiya institutsionalnûx nachal alternativnogo razresheniya sporov // Vestnik Vûsshego Arbitrajnogo Suda RF. 2007. ¹ 3, 4.
11. <https://lex.uz/docs/2483046>
12. <https://lex.uz/docs/1072079#1072185>
13. Kalamova Yu.B. Problemnûe aspektû realizatsii principa dobrovolnogo ispolneniya resheniya treteyskogo suda // Perspektiva reformirovaniya grajdanskogo protsessualnogo prava: sbornik statey po materialam Mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferensii (g. Saratov, 21 fevralya 2015 g.) / pod red. O.V. Isaenkovoy. Saratov, 2015, pp. 131–132.
14. <https://lex.uz/docs/2483046>
15. https://nrm.uz/contentf?doc=428849_hakamlik_sudlari_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_qonunga_sharh&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana
16. Belyakova A.V. Mexanizmû sudebnoy i vnesudebnoy zaûitû prava na sudoproizvodstvo v razumnûy srok. Moscow, 2016.
17. Maleshin D.Ya. Grajdanskaya protsessualnaya sistema Rossii. Moscow, 2011, p. 130
18. Skvorsov O.Yu. Treteyskoe razbiratelstvo predprinimatelskix sporov v Rossii: Problemû. Tendensii. Perspektivû. Moscow, 2005, p. 198.
19. Nauchno-prakticheskiy kommentariy k Federalnomu zakonu "O treteyskix sudax v Rossiyskoy Federatsii" s obzorom sudebno-arbitrajnoy praktiki(postateynûy). Pod obshh. red. A.N. Lûsenko i A.A. Xorosheva. Moscow, 2011, p. 94.
20. Kashina M.ye. Konfidentsialnost kak princip i spetsificheskaya cherta treteyskogo razbiratelstva. Arbitrajnûy i grajdanskiy protsess, 2008. no. 6., p. 38.